**Ушбу сонда:**
2 НОДАВЛАТ СЕКТОРИДА касаба уюшма ташкилоти
3 ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР
4 КОЛЛЕЖ ҚОШИДА иқтидорли болалар гуруҳи



ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI
FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN
ГАЗЕТА 1991 ЙИЛ 21 МАРТДАН ЧИҚА БОШЛАГАН

# ISHONCH

ЎЗБЕКИСТОН КАСАБА УЮШМАЛАРИ ФЕДЕРАЦИЯСИ ГАЗЕТАСИ

СЕШАНБА, ЧОРШАНБА, ЖУМА ВА ШАНБА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

**2005 йил 30 март, чоршанба № 53 (1894)**

*Ислоҳот мевалари*

## БУ РАНГО-РАНГ ГИЛАМЛАР

Ҳозирги кунда Бухорода «Шаҳбоз-Шаҳром» хусусий ишлаб чиқариш фирмасида тўқилаётган ажойиб гиламларга талаб катта. Мазкур даргоҳда пайпоқ, чойшаб, сунъий тўқималар ишлаб чиқариш ҳам йўлга қўйилган. Мустақиллик шарофати туфайли корхона жаҳонга юз тутмоқда. Хорижлик мутахассислар, ишбилармонлар билан ҳамкорлик кутилган натижани бермоқда. Яқинда ана шу ҳамкорлик меваси – Германиядаги «Шёрнер» компаниясининг юқори сифатли гиламлар ишлаб чиқаришга ихтисослашган дастгоҳлари ўрнатилди.

– Истиқлол биз – тадбиркорларга кенг имконият яратди. Имтиёзлардан унумли фойдаланиб, истеъмолчилар учун ғоятда зарур молларни ишлаб чиқариш билан бирга уларнинг сифатига алоҳида эътибор беряпмиз, – дейди фирма етакчиси Муҳаббатхон Тешаева.

**А.СОҲИБОВА**



*Қўшма корхона - хориж ишончи*

## ЭНДИ ЎЗИМИЗ ЭКСПОРТ ҚИЛЯПМИЗ

***Мустақиллик йилларида юртимизга чет эл инвестициясини жалб қилиш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилди. Шунинг учун ҳозирги кунда республикамизда хорижий ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган кўплаб қўшма корхоналар ишлаб турибди. Энг аҳамиятлиси, бундай корхоналарнинг салоҳияти тобора юксалиб бормоқда. «Кабул-Ўзбек Ко.» қўшма корхонаси ҳам ана шундай корхоналар сирасига киради.***

Қўшма корхона ташкил топганига 9 йилдан ортиқроқ вақт бўлди. Ўтган йиллар мобайнида у мамлакатимиздаги хорижга маҳсулот экспорт қилувчи энг йирик корхоналардан бирига айланди. Масалан, ўтган йили 26 минг 446 тонна ип-калава ва 18 миллион 540 минг погонометрга яқин хом сурп ишлаб чиқаришга эришилди. Чет давлатларга сотилган маҳсулотлар миқдори 61 миллион 96 минг АҚШ долларини ташкил этди. Жорий йилда эса бу кўрсаткични янада ошириш, аниқроғи, 86 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилиш мўлжалланмоқда. Муҳими, қўшма корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар ўзининг сифатлилиги билан алоҳида ажралиб туради. Шу боис улар хорижий давлатларда доимий харидорларини топмоқда.

Айни пайтда корхонада 3500 нафарга яқин киши меҳнат қилмоқда. Маъмурият ва касаба уюшма қўмитаси ҳамкорлигида ишловчиларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан муҳофазалаш, спорт-соғломлаштириш ва меҳнат муҳофазаси масалалари юзасидан бирмунча ишлар амалга оширияпти. Тошкент шаҳри ва вилояти туманларидан келиб ишлаётган ишчи-хизматчилар самарали меҳнат қилиб, кўнгилдагидек дам олишлари учун кўплаб қулайликлар яратилган. Жумладан, ишловчилар учун бепул иссиқ овқат ташкил қилинган, махсус автоуловлар ажратилган. Ўтган йили, масалан, ишчиларни бепул овқатлантиришга салкам 499 миллион сўм сарфланди. Шу билан бирга бу ерда 150 киши ётоқхона билан таъминланган бўлиб, уларга уч маҳал иссиқ овқат ташкил қилинган. Қўшма корхона фабрикаларида биринчи ёрдам кўрсатувчи тиббий шохобчалар кечаю кундуз ишлаб турибди. Улар замонавий тиббий ускуналар, жиҳозлар ҳамда дори-дармонлар билан тўла таъминланган.

Ишловчиларни ижтимоий ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда. Касабақўм билан тузилган жамоа шартномасига асосан тўй-маъракаларда уларга моддий ёрдам кўрсатиляпти. Ўтган йили бу мақсадлар учун маъмурият томонидан 11 миллион сўмга яқин маблағ сарфланди. Корхона ишчиларининг аксар қисми хотин-қизлардан иборат. Касаба уюшма қўмитаси 8 март байрамида уларга 2 миллион 672 минг сўмлик совға-саломлар тарқатди.

Ишчи-хизматчилар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш, спорт оммавийлигини таъминлаш ҳам доимий эътиборда. 2004 йилда 13 киши санаторий ва дам олиш уйларида соғлиғини тиклади. Касабақўм ташаббуси билан 684 нафар ишчи «Сайёҳ», «Кумушкон», «Олтин ёмби» каби дам олиш масканларида бўлишди. Шунингдек, пойтахтимиздаги Митрафанов номли сузиш ҳавзасига 358 та ойлик чипталари тарқатилди. Спортнинг футбол, волейбол, баскетбол, стол тенниси, шашка ва шоҳмот турлари бўйича ўтказилган мусобақалар иштирокчиларда ниҳоятда катта қизиқиш уйғотди.

Ўрни келганда таъкидлаб ўтиш жоиз: корхонада қўлга киритилган ютуқлар билан бирга ечимини кутаётган муаммолар, камчиликлар ҳам мавжуд. Бинобарин, касаба уюшма қўмитаси ҳисобот-сайловида бу ҳақда ҳақли танқидий фикрлар, ўринли мулоҳазалар билдирилди. Чунки ишчилар манфаатларини ҳимоя қилишда сусткашликка йўл қўйиляпти, соғломлаштириш ва меҳнат муҳофазаси масалалари бўйича олдинги йилларга нисбатан ижобий ўзгаришлар кўринмаяпти. Худди шунингдек, ишчилар қўнимсизлигига барҳам бериш борасида ҳам етарлича иш олиб боriляпти, деб бўлмайди.

**Камол ОЛЛОЁРОВ, «Ишонч» мухбири**



Сурхондарё вилоят табиатни муҳофаза қилиш қўмитасидаги изланувчан мутахассисларнинг маълумотларига қараганда, қадимий Сурхон дарёсида ҳамда воҳадаги сув ҳавзаларида 20 турдаги балиқлар бор экан. Ана шуларнинг бешта тури эса «Қизил китоб»дан жой олган. Нобоп одамларнинг қўлига тушиб, балиқчилик хўжаликлари анча путурдан кетган эди. Бу эса пировард натижада аҳолининг балиқ гўштига бўлган эҳтиёжига зид ҳолат юзага келишига сабабчи бўлди. Ҳайриятки, кейинги йилларда вазият яхши томонга юз бурди. Оқтепа сув омборида балиқчиликка алоҳида эътибор берилмоқда. Балиқларни муҳофаза қилиш ва кўпайтириш кенг йўлга қўйилди.

## ЕТТИ ХАЗИНАНИНГ БИРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Балиқчилик тармоғини монополиядан чиқариш ва хусусийлаштиришни чуқурлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан бир талай ишлар амалга оширилди. Вилоятдаги саккизта сув ҳавзаси ва сув омборлари тендерга қўйилди. Олтита сув ҳавзаси тендер ғолибларига берилди. Ана шу тендер ғолибларидан бири, якка тартибдаги тадбиркор С. Худойқулов ўзига тегишли сув ҳавзасига юз минг донадан ошиқ балиқларни ташлаб кўпайтирмоқда. Шунингдек, «Алишер Карим ўғли» фермер хўжалиги Оқтепа сув омборига оқ амур, сазан, лаққа балиқларидан ташлаб кўпайтирмоқда. Музработ туманидаги тадбиркорлар ҳам ўзларига тегишли сув ҳавзаларига икки минг атрофида балиқчаларни қўйиб юбориб, парваришламоқдалар.

*Она юртим жамоли*

## ОЛТИН ВОДИЙНИНГ БОҒИ ЭРАМИ

***Шаҳар марказидаги Алишер Навоий номли маданият ва истироҳат боғи ҳудудига яқинлашар эканмиз, кўз олдимиздан Ойбекнинг "Навоий" романидаги Ҳирот манзаралари ўта бошлади.***

***Қуббаларида қуёш нурлари жилоланаётган нилий гумбазлар, масжиду мадрасаларнинг пештоқларида товланаётган нақш ва гуллар, шаҳарни ўз бағрига олган кўм-кўк боғ-роғлар хаёлимизда гавдаланади.***

Бу ерда ҳам қўш устунларга таянган тўқ нилий тусдаги шарқона кўркам гумбаз, унинг остидаги қўш табақали, панжарали дарвоза сизни ичкарига чорлайди. Пиллапоялар узра қадам ранжида қиларкансиз, қаршингиздаги подстаментда тақя кийган, хассага хиёл таянган Алишер Навоий сиймоси намоён бўлади. Қадамидан гуллар унаётгандек, пойида ранго-ранг гул кўчатлари ястанган.

Бинобарин, шоир ижодида гул - ҳаёт, гўзаллик муҳаббат рамзи, чирой ёр ҳусни-латофатига, ёшликка нисбат сифати куйланади.

Аллеялар, йўлаклар, хиёбонлардаги чаман-чаман очилган гулларни суқланиб томоша қиламиз. Чунки боғ ўрамидаги оранжереяда йил - ўн икки ой 50 хилдан зиёд гул кўчатлари ўстирилмоқда. Кўклам сепини ёйиши билан, ушбу гуллар боғдаги майдонларга экилиши шундан. Боғ жамоаси нафақат ўз ҳудудларини, балки Андижон шаҳри, хўжалик ва ташкилотлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари ўрамларини кўкаламзорлаштириш, гулзорлаштиришда ҳам гул қаламлари билан кўмаклашмоқда.

Боғ 34 гектар майдонни эгаллаган. 100 хилга яқин гул кўчатлари, 60 хил манзарали дарахт навлари парваришланмоқда. Вазирлар Маҳкамасининг ободончилик ва кўкаламзорлаштириш ойлиги эълон қилиш тўғрисидаги қарори муносабати билан боғда ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш, санитария тозалик ишлари кун сайин авж олдирилмоқда. Ушбу йўналишда жамоада амалга оширилаётган маънавий-маърифий ҳамда оқартув дастури яхши натижа бермоқда. Асосий мақсад меҳнаткашларнинг маданий ҳордиқ чиқаришини йўлга қўйиш, спорт-соғломлаштириш ишларига аҳолини қизиқтириш, кўнгилочар шоу, ўйин, кўрик-танловлар орқали соғлом турмуш тарзини шакллантиришдир.

Бугунгача йўлаклар ва хиёбонларга 3 минг атрофида гул қаламчалари, 300 тупга яқин манзарали дарахт кўчатлари экилди. 4 минг туп гул, 1000 туп дарахтларга ишлов берилди. Спорт иншоотлари, болалар аттракциони, ёзлик эстрада театри биноси сифатли таъмирдан чиқарилган ва иш бошлаган.

Истироҳатчиларнинг мароқли дам олишлари учун боғда зарур маданий-маиший шароит муҳайё. 6 та чойхона, 2 та паловхона, музқаймоқ, салқин ичимликлар билан савдо қилувчи дўконлар, лотоклар дам олувчилар хизматида. 3,5 минг томошабинга мўлжалланган амфитеатр томондан микрофон орқали режиссёрнинг овози, мусиқа садолари эшитилмоқда. Аниқланишича, боғ маъмурияти ҳузуридаги бадиий ҳаваскорлар дастаси ёзги мавсумнинг очилиши олдидан репетиция ўтказаётган экан.

Арчазор қаршисидаги Оталар чойхонаси чойхўрлар билан гавжум. Сўрилардаги адрас тўшакларга ёнбошлаб, чақчақлашаётган отахонларга яқинлашамиз. Бириси шаҳарнинг Мойбоқча маҳалласи, бошқаси Мустақиллик кўчасида истиқомат қилишади. Абдуазим Эшонов:



- Чой баҳонаю, аслида арчазордан ҳузурлангани келамиз. Унга боқиб, қор билан қопланган арчазор тоғлар ҳавосидан симираётгандек яшнаймиз. Арчаларни экиб, кўкартирганларга раҳмат!

- Навоий ҳазратлари "Хамса"сида тасвирланган боғи-Эрам шу бўлади. Гулларни, гулзорларни, фаввораларни, хув, шодон ўйнаб-кулиб юрган ёшларни кўринг, ҳавас қиласиз.

Отахонлар айтмоқчи, арчазорга, ҳар қадамда соя ташлаб турган манзарали дарахтларга назар ташлаб, шохларда баҳорга ўз тилларида ҳамду сано айтиб чуғурлашаётган қушлар навосини тинглаб, ҳар қандай киши дарддан фориғ бўлади.

Болакайлар кулгуси янграётган карусел-чархпалак томонга йўл оламиз. Бешикчалар болалар, оналар билан лиқ тўла. Чархпалак самога ўрлагани сари, кичкинтойларнинг бахтиёр қийқириғи кучаяди. Бу шунчаки ўйин эмас, спорт тури. Зурриётларимиз, булутларни, кўк гумбазни томоша қилиш билан бирга, космос билан ошно бўладилар, шу тариқа парашют спортига, учувчиликка ҳавас, иштиёқ уйғонса ажаб эмас.

Пастда чархпалакда учишга навбат кутаётган истироҳатчилардан марҳаматлик Аюбжон Ортиқов билан танишамиз. У баҳорги таътилга чиққан ўғли 6-синф ўқувчиси Зоиржонни етаклаб олганди.

- Ўғилчам билан боғни айлансам, чарчоғим ёзилади, - дейди Аюбжон. - Бунинг устига Зоиржон чархпалакда самога кўтарилишни ҳавасманди. Тўнғич ўғлим Комилжон спорт коллежи талабаси. Ёшлигида шаҳарга тушсак, чархпалакда учмасам кетмайман, деб туриб оларди. Тўққизинчи синфни тугаллаб, спорт коллежини танлагани боиси шундан.

Ораста йўлакларда боғ таассуротларидан роҳатланиб бораётган истироҳатчилар қаторига қўшиламиз. Биров ўриндиқларда тин олиб гулзорлар томошасига берилган, биров бодроқдек очилиб гуллаган бодом ғунчаларига тикилган, биров боғ манзарасига боқиб хаёл оғушида мириқади.

Боғ директори Раимжон Умаров билан суҳбатни давом эттирамиз:

- Жамоамизда 40 нафар ходим меҳнат қилади, - дейди Р. Умаров. - Боғни ораста, шинам, кўнгилдагидек тутишнинг ўзи бўлмайди. Орамизда ҳар бир гулу, дарахтни қадрлайдиган инсонлар кўп. Галя Хайчук, Жамолиддин Халилов, Замирахон Сирожиддиновалар гул кўчатларини парваришлаш, дарахтларга ишлов беришда доим намуна.

Директор ёзги дам олиш мавсумига жамоанинг алоҳида тайёргарлик кўраётганини завқ билан гапириб беради. Хотира ва қадрлаш куни, мустақиллик шодиёналари, сўнгги қўнғироқ тадбирларига бадиийлаштирилган шоу, ўйинлар, спорт мусобақалари, кўрик-танловлар, кўргазмалар, театрлаштирилган саҳна кўринишлари намойиш қилинишли режалаштирилган.

Бу борада вилоятдаги етакчи ташкилотлар; Охунбобоев номли драма ва мусиқа театри, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят бўлими, "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, халқ таълими бошқармаси, болалар ижодиёти маркази қўғирчоқ театри билан самарали ҳамкорлик қилинмоқда.

Андижон шаҳар маданият ва истироҳат, спорт боғи ёзги мавсумда иқтидор, маҳорат, касб-ҳунар, маданий ҳордиқ масканига айланиши шак-шубҳасиз.

**С.РЎЗИМАТОВ**

*Сўнгги пушаймон-ўзингга душман*

## ШАРТНОМАГА ХИЁНАТ

### фермер иши судга тушиб ердан, сармоядан ажради

***"Фермерлик қишлоқда хўжалик юритишнинг энг самарали ва истиқболли шакли". Президентимиз Оқсарой қароргоҳида ўтказилган ҳукумат янги таркиби билан учрашувдаги нутқида 2005 йил ва келгусидаги вазифаларни аниқ-равшан белгилаб берар экан, фермерлик ҳаракатини ана шундай юксак баҳолади. Шу билан бирга шартнома режасига беписанд қараб ердан мақсадсиз фойдаланаётган фермерларни қаттиқ қоралади.***

Чортоқлик У. Алихонов 1998 йилнинг кузагида ҳокимликка келиб қорамолчиликка ихтисослашган фермер хўжалиги ташкил этиш ҳақидаги истагини билдирди.

Мутасаддилар таклифга жиддий ёндошдилар. Масала "Фарғона" ширкат хўжалиги аъзоларининг умумий йиғилишида ечимини топишини, бизнес режа тузилишини, даставвал қўрада 30 бош шартли қорамол бўлишини тушунтирдилар.

Ана шу юмушлар поёнига етгач, 23 сентябр куни ҳокимликнинг чорвачилик йўналишидаги "Зилола" фермерлик жамоаси фаолият бошлаганлиги ҳақидаги қарори қабул қилинди. Мулкдорга хўжалик ҳисобидан 40 йил муддатга 10 гектар экинзор ажратилиб, ширкат ҳамда фермерлик ўртасида гўшт, сут маҳсулотлари етиштириш юзасидан шартнома имзоланди.

Шартнома тузиш пайтида унинг замирида давлат манфаати ётганлиги, шартнома шартларини бажариш шарт эканлиги У. Алихоновга обдон тушунтирилди. Айниқса, ер қонунчилиги бузилишининг ҳуқуқий оқибатлари тўғрисида алоҳида гап борди. Фермер имконият учун раҳмат айтиб, албатта ишончни оқлашини изҳор этди.

Одамни имконият берилганда сина, дейдилар. Буёғи қизиқ бўлди. Яъни, янги иш бошлаган кезлари фермер шахсий қўрасида белгиланган 30 бош қорамолни асраб, гўшт, сут етиштириш ва сотиш бўйича шартномавий режаларни уддалади.

Афсуски, 1999 - 2000 йиллардан бошлаб фермерликка кўз тега бошлайди. У. Алихонов «Чортоқ деҳқон бозори»дан бери келмай қолди. Шартномада лафз қилингани бир ёнда қолиб, бозорда пиёз, сабзи, қовун-тарвуз савдо-сотиғини гуллатиб юборди. Кўп ўтмай, туман ер ресурслари хизмати бошлиғи А. Дадахўжаев ўтказган мониторингда У. Алихоновнинг Ер кодекси талабларини қўпол равишда бузиб, ижарадаги экинзордан мақсадсиз, ноқонуний фойдаланаётгани фош этилди. Яъни 5 гектар ерга полиз, қарийб гектар ерга пиёз экилганлиги аниқланди.

Энди айтинг-чи, ем-хашак учун мўлжалланган ижарадаги майдонларга "бозорбоп" маҳсулотлар экилса, озуқа базасини мустаҳкамлаш, чорва туёқ сонини кўпайтириш, мўл гўшт, сут етиштириш ҳақида қандай гап бўлиши мумкин? Туман деҳқон ва фермерлар уюшмаси раиси О. Мамажонов У. Алихоновнинг бозорга "капа тикиб" олганлиги, шартнома мажбуриятларини барбод қилаётганлиги юзасидан дахлдор идораларга, шахсан фермернинг ўзига огоҳлантириш хатлари йўллади.

Маълумотномада фермерликдан йилма-йил барака кетганлиги рўй-рост айтилади. Масалан, 2003 йилга келиб фермада атиги 12 бош қорамол қолганлиги, гўшт етиштириш 0,6 тоннага, сут етиштириш эса 22 тоннага тушиб қолганлиги аёнлашди. Энг ёмони, У. Алихонов тасарруфидаги ерни талон-торож қилишга йўл очади. Фермерликдаги ёлланма ишчиларга экинзорни фойдаланиш учун ўзбошимчалик билан иккиламчи ижарага бериб юборади.

Ҳамма нарсанинг ҳам чегараси бўлади. Туман ҳокимлиги "Зилола" фермер хўжалиги бошлиғи У. Алихонов устидан Вазирлар Маҳкамасининг "Қишлоқ хўжалигида ижара муносабатларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қароридан келиб чиққан ҳолда қонунбузарликлар ҳақида Наманган вилоят адлия бошқармасига тақдимнома киритди.

Адлия бошқармаси арқонни узун ташлади. У. Алихонов хатолардан тўғри хулоса чиқариб, фермерлик тўғри йўлга тушиб олармикан, деган умидда ижарадаги ерни 8 ой бадалида сақлаб туриш, қорамоллар бош сонини 6 ой ичида 30 бошга етказиш бўйича фермерликка муддат берилди. Бу мулкдорга катта имтиёз эди. Таассуфки, У. Алихонов имконият қадрига етмади. Фермерликда кутилган ўзгариш ясалмади.

Ижарадаги ердан бошқа мақсадларда фойдаланиш давом этаверди. Натижада Наманган вилоят прокуратураси 2004 йил 26 март куни назорат текшируви ўтказди. Шунда кейинги 3 йилда чорва моллари сони 13 бошдан ошмаганлиги, ерга режага кўра 4 гектарда беда, 6 гектарда ем-хашак етиштириш ўрнига 3,5 гектарга ғалла, 0,5 гектарга полиз, 3,9 гектарга нўхат, сабзавот, ловия экилганлиги исботини топди.

Кўза кунда эмас, кунида синади. "Фарғона" ширкат хўжалиги "Зилола" фермер хўжалиги билан тузилган ижара шартномасини бекор қилиш ҳақида Наманган вилоят хўжалик судига даъво аризаси йўллатди. 2004 йил 15 июндаги очиқ суд мажлисида ушбу хўжалик низосига адолатли нуқта қўйилди. Даъво қаноатлантирилиб, ижара шартномаси бекор қилинди ҳамда ер ширкатга қайтарилди.

Замон фермерларники, ишбилармонларники. Давлатимиз чинакам мулкдорлар ҳимоясида мустаҳкам турибди. Президентимиз таъкидлаганидек, ерни ўпиб, искаб ардоқлаганларнинг қозони ҳам, чўмичи ҳам мой. Аксинча, шартномани хўжакўрсинга тузадиган "фермер"лар ҳамма нарсани - ерни, имконияту имтиёзни, обрўни бой берадилар.

**Гулчеҳрахон АҲМЕДОВА, Наманган вилоят хўжалик суди раисининг ўринбосари**

## МИЖОЗЛАР КУТГАН ДАВОЛАШ МУАССАСАСИ

***Балиқчи туманидаги Алишер Навоий номли ип-йигирув акциядорлик жамияти қошида ўттиз ўринли тиббий даволаш муассасаси очилди.***

Бу тиббиёт маскани пахта тозалаш заводидан тендер танлови асосида сотиб олинди. Қисқа вақт мобайнида бинонинг ички ва ташқи томонлари тўла таъмирланиб, атрофдаги олти ярим гектар майдонда боғ барпо этилди. "Сиҳат-саломатлик йили" Давлат дастури доирасида очилган мазкур тиббий масканнинг қурилиш ва бунёдкорлик ишларига лойиҳага кўра юз миллион сўм сарфланди. Даволаш муассасасини таъмирлаш билан биргаликда иккита бассейн, теннис корти ва бошқа спорт иншоотлари, даволанаётганлар ва уларни кўргани келган меҳмонлар учун дам олиш биноси қуриб битказилди. Даволаш хоналари замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари, юмшоқ мебел билан жиҳозланган.

**«Туркистон-пресс»**

## Осойишталик посбонлари

***Маҳаллалар осойишталигини таъминлаш, аҳоли орасида кўнгилсиз ҳодисалар содир бўлишининг олдини олиш профилактика инспекторлари зиммасига масъулиятли вазифалар юклайди. Бугунги кунда улар маҳалла фаолларининг бевосита ҳамкорига айланган. Мактаб ва бошқа ўқув муассасалари ўртасидаги муносабатларнинг янада мустаҳкамланиб бораётгани ножўя хатти-ҳаракатларнинг олдини олишда қўл келмоқда.***

# ПАСПОРТ ҚОИДАЛАРИГА

## риоя этмагани учун

Айни пайтда туманда 22 та милиция таянч пункти фаолият кўрсатмоқда. Жамоатчиликка таянган ҳолда олиб борилаётган ҳаракатлар натижасида жорий йилнинг ўтган даври мобайнида фош этилган 19 та жиноятнинг 6 таси профилактика инспекторлари томонидан очилди. Жумладан, шу йилнинг 5 январ куни фуқаролар Ойбек Боқиев ва Карим Саидов М.Хоразмий кўчасида тўхтаб турган автомашиналар юкхонасини очиб 2 дона ғилдирак ва 2 дона кўтаргични ўғирлашади. Улар бир зумда қўлга олиниб, қонун олдида жавоб беришди. Шунингдек, 26 январ куни «Меҳнатобод» деҳқон фермерлар уюшмаси ҳудудидаги «Одил-ота» хусусий хўжалик омборхонасидан мактаб ўқувчилари И.Хударғанов ва Р.Яқубовларнинг яширин равишда 3 дона электр динамитни ўғирлаганликлари аниқланиб, ҳозирда улар устидан тергов ишлари олиб борилмоқда. Нафақат ўғрилик ва майда безориликларни фош этиш, балки гиёҳвандлик билан шуғулланувчиларни аниқлашда ҳам профилактика инспекторлари фаол иштирок этишмоқда. Жумладан, милиция катта лейтенанти Ш.Ражабовнинг сергаклиги билан уйида 0,27 грамм героин моддасини яшириб қўйган шахснинг қилмиши фош этилди.

Профилактика инспекторларининг маҳаллаларда яшовчи оилалар билан яқиндан ҳамкорлик қилаётганлиги самараси ўлароқ хуфёна тарзда амалга оширилаётган ноқонуний ҳолатлар ўз вақтида бартараф этилмоқда.

Маъмурий амалиёт бўйича жами 581 та баённома тузилди. Шундан 12 тасига УзР ЖКнинг 183-моддаси тартибида чора қўлланилиб, 4 тасига Шовот туман суди томонидан жазо тайинланди. Жамоат жойларида спиртли ичимлик истеъмол қилганлиги учун 144 нафар фуқаро огоҳлантирилди. 268 нафар фуқарога нисбатан паспорт қоидаларига риоя этмагани учун, 157 нафарига эса бошқа ҳуқуқбузарликлар содир этганликлари учун баённома тузилди. Шунингдек, вояга етмаган шахслардан 3 нафари ВЕИХЁК марказига жойлаштирилди. Мақсадимиз битта, у ҳам бўлса шаҳар ва қишлоқларимиз аҳолиси тинч ва осойишта ҳаёт кечиришини таъминлашдир.

**О.САТТОРОВ,**
**Шовот туман ИИБ ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўлими катта инспектори, милиция капитани**



Қашқадарё вилояти прокуратурасида қишлоқ хўжалиги назорати, фермерлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, терроризмга қарши кураш, ёшлар билан ишлаш борасида катта ишлар амалга ошириляпти.

Бу ерда ходимлар кўнгилдагидек ишлаши учун барча қулайликлар яратилган. Яқинда прокуратура биносида «Қишлоқ хўжалигига оид қонунлар ижросини ўрганиш услубий маркази» ташкил этилди. Унда қишлоқ хўжалигига оид барча қонун ва фармонлар мажмуалари қўйилган.

Айни чоғда вилоят прокуратурасида маҳалла ва вояга етмаганлар билан ишлаш марказлари ҳам фаолият кўрсатяпти.

***Суратда: вилоят прокуратураси вояга етмаганлар билан ишлаш маркази раҳбари Баҳодир Тўлаганов ўқувчилар билан.***

**Ш.ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат**

## Саволингизга ҳуқуқшунос Гулнора Муродова жавоб беради

***САВОЛ: мен яқинда II гуруҳ ногиронлигига чиқдим. Ишлашни давом эттирсам пенсиямни тўлиқ олиш имкониятига эга бўламанми? Бундан ташқари, ишлаётган II гуруҳ ногиронларига қандай имтиёзлар бор?***

**А.РАҲМАТОВА,**
**Янгиариқ тумани**

**ЖАВОБ:** 1998 йил 28 майдаги Ўзбекистон Республикасининг Олий суд пленуми қарорига асосан, агар Сиз II гуруҳ ногиронлигига чиқиб яна ишни давом эттирмоқчи бўлсангиз, ишлаб турган



вазифангиз кейинчалик соғлигингизга салбий таъсир кўрсатмаслиги ҳақида тиббий меҳнат экспертиза комиссиясидан қўшимча тиббий маълумот олишингиз керак бўлади.

### ИШЛАЁТГАН II ГУРУҲ НОГИРОНИГА ҚАНДАЙ ИМТИЁЗЛАР БОР?

Меҳнат Кодексининг 220-моддасида ногиронлар меҳнатини муҳофаза қилишнинг қўшимча чоралари белгиланган.

Унга кўра ТМЭКнинг ногиронларга тўлиқсиз иш вақтида тартибини ўрнатиши, уларнинг вазифасини камайтириш ва меҳнатнинг бошқа шартлари ҳақидаги тавсияларини бажариш иш берувчи учун мажбурийдир. Шунингдек, I ва II гуруҳ ногиронларига меҳнатга ҳақ тўлаш камайтирилмаган ҳолда иш вақтининг ҳафтасига ўттиз олти соатидан ошмайдиган қисқартирилган муддати жорий қилинган.

I ва II гуруҳ ногиронларига ўттиз календар кундан кам бўлмаган муддат билан йиллик узайтирилган асосий таътил берилади.

Президентнинг 1995 йил 20 ноябрдаги «Ишловчи пенсионерларга тўланаётган пенсиялар ҳақида»ги 1289-сонли Фармонига асосан ишлаётган I, II гуруҳ ногиронлари иш ҳақлари билан бирга пенсияларини ҳам тўлиқ олиш ҳуқуқига эгадирлар.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ Кодексига асосан ишлаётган I, II гуруҳ ногиронлари ойлик иш ҳақларидан даромад солиғи тўлашда энг кам ойлик ҳақининг 4 баробари миқдорида озод этиладилар.

# МЕҲНАТ ДАФТАРЧАМГА ЁЗУВ КИРИТИЛМАДИ...

## Саволингизга ҳуқуқшунос Карим Мухторов жавоб беради

***САВОЛ: Бир йилдан буён муассаса раҳбарининг буйруғи билан хўжалик ишлари билан шуғулланувчи ходимнинг ишларига ёрдамлашиб юрибман. Ойлик маош ҳам олаяпман. Яқинда пенсияга чиқаман. Лекин шу кунга қадар меҳнат дафтарчамга ҳеч қандай ёзув киритилмаган. Қонунчилигимизга биноан аслида қандай бўлиши керак?***

**Т.РЎЗИМЕТОВА,**
**Урганч шаҳри**

**ЖАВОБ:** Меҳнат кодексининг 74-моддасига асосан ишга кирувчи шахс билан меҳнат шартномаси ёзма шаклда тузилади.

Ишга қабул қилишни тўғри расмийлаштириш иш берувчининг асосий вазифаси ҳисобланади. Ишга қабул қилишнинг қонуний тартибда расмийлаштирилмаслиги, яъни ёзма меҳнат шартномаси ва буйруқнинг йўқлиги, буйруқнинг меҳнат шартномаси мазмунига мувофиқ келмаслиги, ишга қонун бўйича талаб қилинадиган ҳужжатларсиз қабул қилиш ёки қонунлар кўрсатилмаган ҳужжатларни талаб қилиниши, шартноманинг бир нусхаси ходимга берилмаслиги ва бошқалар иш берувчининг меҳнат қонунчилигини бузиши деб ҳисобланади.

Меҳнат кодексининг 82-моддасига мувофиқ ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Ходим билан тузилган меҳнат шартномаси буйруқ чиқариш учун асос бўлади.

Ходим билан ёзма меҳнат шартномасини расмийлаштиришга қонун ҳужжатлари қўядиган талаблардан ташқари келгусида низолар пайдо бўлишининг олдини олиш мақсадида қуйидаги ҳолатларга эътибор қаратиш зарур:

– шартномадаги шартлар аниқ баён қилиниши керак;

– Шартномада тўлдирилган, очиқ устун (банд)лар бўлмаслиги, ходим билан тузилган шартномага киритилмаган шарт бўлмаган устунга чизиқ тортилган бўлиш ёки шартномада ушбу шарт йўқлигини билдирувчи бошқа белги қўйилиши керак.

Ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқ меҳнат шартномаси мазмунига аниқ мос ҳолда чиқарилади ва буйруқ ходимга имзо чектириб таништирилиши зарур.

Айрим ҳолларда ходимнинг ишга қабул қилиниши қонунда кўрсатилганидек расмийлаштирилмасдан, унга ишлашга рухсат берилади. Бундай ҳолатлар кўпинча йирик корхоналар бошқа вилоят ва шаҳарларда жойлашган муассасаларда содир бўлади.

МКнинг 82-моддасининг 6-қисмига биноан ишга қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган мансабдор шахс томонидан ёки унинг рухсати билан ходимга ҳақиқатан ишлашга рухсат берилган бўлса, ишга қабул қилиш тегишли равишда расмийлаштирилган ёки расмийлаштирилмаганлигидан қатъий назар иш бошлаган кундан эътиборан меҳнат шартномаси тузилган, деб ҳисобланади. Башарти Қонуннинг талаби шундай экан, Сиз билан ёзма равишда меҳнат шартномаси тузилиши ва ишга қабул қилиш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилиши зарур. Меҳнат шартномасида ва ишга қабул қилиш тўғрисидаги буйруқда Сизни ишлашга рухсат берилган кун ишга қабул қилинган кун деб, ўша вақтнинг санаси кўрсатилиши керак.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 1998 йил 29 январда 402-сон билан рўйхатга олинган «Меҳнат дафтарчаларини юритиш тартиби тўғрисида Йўриқнома»га асосан Сизнинг меҳнат дафтарчангизга ишга қабул қилинганлигингиз тўғрисида ёзув киритилиши керак. Бу масалада низо келиб чиқса ариза билан меҳнат низоларини кўриб чиқувчи органлар: меҳнат низолари комиссиясига, туман фуқаролик судига мурожаат қилишга ҳақлисиз.

## Қонун барчага баробар

***Тадбиркорлик субъектларининг амалдаги қонун талаблари асосида фаолият юритиши, жумладан солиқларнинг ўз вақтида тўланишига эришиш иқтисодиётнинг мустаҳкамланишига асос бўлади. Бироқ бир зумда мўмай даромадга эришиш илинжида ноқонуний иш юритаётган «тадбиркорлар» ҳам учраб турибди.***

# СОХТА ТАДБИРКОРЛАР

## фош этилди

Бўлимимиз ходимлари иқтисодиёт соҳасидаги жиноятчиликни аниқлаш, унинг олдини олиш мақсадида муайян ишларни олиб боришмоқда. Саъй-ҳаракатларимиз натижасида юридик ва жисмоний шахс мақомига эга ўнлаб тадбиркорлик субъектларидаги қонунбузилиш ҳолатларига чек қўйилмоқда. Жумладан, Вазирлар Маҳкамасининг «Юридик ва жисмоний шахсларни руйхатдан ўтказишни ҳамда улар томонидан савдо фаолияти амалга оширилишини тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижроси юзасидан таҳлил ўтказилиб, бу борада бир қатор камчиликлар, ноқонуний ишлар аниқланди. Маълум бўлишича, ўтган йили 31 та юридик шахс руйхатга олинган бўлса, улардан фақатгина 13 таси қонун талаблари асосида фаолият юритган, холос. Қолган 18 та юридик шахс мақомига эга тадбиркорлар эса юқоридаги қарор талабларига зид равишда иш олиб боришган.

Шунингдек, Вазирлар Маҳкамасининг «Пул маблағларининг банкдан ташқари муомаласини яна қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши ўрганиб чиқилди. Текширувлар давомида аниқландики, ўтган йил ва жорий йилнинг уч ойи мобайнида кичик корхона ва хусусий фирмалар томонидан ноқонуний равишда банкдан ташқари товар-пул айланмалари содир этилган. Натижада давлат бюджетига, иқтисодиётимизга катта миқдорда зарар етказилган. Аниқроғи, 105 миллион 98 минг сўмга яқин маблағ бюджетдан яширилган. «Фахрий» кичик корхонаси, «Бизнес ҳамкор» савдо уйи, «Светлана-Мэла» ва «Абсолют тунган» хусусий фирмалари, «Мантил сервис», «Азиза» ҳамда «Сурхон тожи» масъулияти чекланган жамиятлар раҳбарларига нисбатан Жиноят Кодексининг тегишли моддалари билан жиноий иш қўзғатилди. Умуман олганда, ўтган йили қонунбузарларга нисбатан 18 та ҳолатда жиноий, 71 та ҳолатда маъмурий жазо чоралари кўрилди. Амалдаги йилнинг ўтган вақти давомида эса 18 та жиноий ва маъмурий-ҳуқуқбузарлик ишлари қўзғатилиб, айбдорлар қонун олдида жавоб берадиган бўлишди.

**М.ҚОСИМОВ,**
**Янгийўл тумани прокуратураси ҳузуридаги солиқ ва валютага оид жиноятларга қарши курашиш бўлими бошлиғи**

## «ИШОНЧ» ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТХОНАСИ

ИНСОНГА НАФ КЕЛТИРИШ – ОЛИЙ БАХТ
OZBEKISTON KASABA UYSHMALARI FEDERATSIYASI · FEDERATION OF TRADE UNIONS OF UZBEKISTAN





# МЕҲНАТ ВАЗИФАЛАРИ БИЛАН ТАНИШТИРИЛИШИ КЕРАКМИ?

## Саволларингизга Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши ҳуқуқшуноси Абдувоҳид Аҳмедов жавоб беради

***САВОЛ: Меҳнат шартномаси тузилаётганда ходим ўзининг меҳнат вазифалари билан таништирилиши керакми? Ва у қандай тартибда амалга оширилади.***

**К.РЎЗМАТОВА,**
**Тошкент шаҳри**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 72-моддасига биноан, меҳнат шартномаси деганда, ходим билан иш берувчи ўртасида муайян (аниқ бўлган) мутахассислик, малака, лавозим бўйича ишни ички меҳнат тартибига бўйсунган ҳолда тарафларнинг келишуви ёки бошқа меъёрий ҳужжатлар билан белгиланган шартлар асосидаги ҳақ эвазига бажариш ҳақидаги ўзаро келишуви тушунилади.

Ҳозирги пайтда Меҳнат Кодексининг 74-моддасига асосан меҳнат шартномалари ёзма равишда тузилиб, унда, ходимнинг меҳнат вазифаси - яъни мутахассислиги, малакаси ва у ишлайдиган лавозим аниқ белгилаб қўйилиши шарт.

Бундан ташқари, Меҳнат Кодексининг 178-моддасига мувофиқ, ҳар бир ходим ўзига юклатиладиган меҳнат вазифалари доираси билан олдиндан таништирилиши лозим. Одатда ҳар бир ходимга нисбатан, уларнинг мутахассислиги ва лавозимига мос бўлган лавозим йўриқномалари ишлаб чиқилган бўлиши ва улар билан ходимлар имзо чектириш орқали таништирилган бўлишлари лозим. Ушбу тартибга риоя қилмаслик кейинчалик ходим билан иш берувчи ўртасида меҳнат низосини юзага келтириб чиқариши мумкин.

***САВОЛ: Ногирон болани тарбиялаётган ходимга қўшимча дам олиш кунини йил давомида жамлаб бериш мумкинми?***

**Н. ЎРОЗБОЕВА,**
**Наманган шаҳри**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Республикаси Меҳнат Кодексининг 230-моддасига асосан, ногирон болани тарбиялаётган ота-онанинг бирига (васийга, ҳомийга) бола ўн олти ёшга тўлгунга қадар, давлат ижтимоий суғуртаси ҳисобидан бир кунлик иш ҳақи миқдорида ҳақ тўланадиган ҳолда ойига қўшимча бир кун дам олиш берилади.

Ушбу имтиёздан кўзланган асосий мақсад ногирон болани парваришлаш ҳамда уни тиббий хизматга бўлган эҳтиёжи эҳтимолини назарда тутиб, унга амалда қаровчиларга қулайлик яратиш эканлигидан келиб чиқиб, уни муайян давр учун жамлаб бериш назарда тутилмаган. Яъни ушбу имтиёздан ходим ҳар ойда бир мартадан , демак йил давомида 12 кун фойдаланиш ҳуқуқига эга.

# ШУ ТЎҒРИМИ?

## Саволингизга таълим ва фан ходимлари касаба уюшма Марказий Кенгаши бош мутахассиси Йўлдош Аҳмедов жавоб беради

***САВОЛ: Давлат гранти асосида ўқишга кирганман. 2002 йилда соғлиғим ёмонлашгани сабабли бир йиллик академик таътилга чиққанман. 2003 йилда ўқишга қайтиб келсам кадрлар бўлимидагилар энди контрак шартномаси асосида ўқийсиз, деб буйруқни чиқармасдан ишни пайсалга солиб келишяпти. Шу тўғрими?***

**Н.ШОНАЗАРОВ,**
**Тошкент шаҳри**

**ЖАВОБ:** Ўзбекистон Рспубликаси таълим муассасаларига қабул қилиш бўйича «Ўзбекистон Республикаси таълим муассасалари талабаларининг ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби» ва Низоми давлат комиссияси томонидан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг 1999 йил 6 августдаги №793-сонли рақами билан рўйхатга олинган.

Унда илгари олий ва ўрта махсус таълим муассасаларидан маъмуриятнинг ташаббуси билан четлаштирилган шахсларни барча ўқув шакллари бўйича талабалар сафига қайта тиклаш тўлов контракти асосида ректорнинг буйруғи билан амалга оширилади. Буйруқ касаллиги туфайли академик таътил олиб давлат гранти бўйича ўқиган талаба яна давлат гранти асосида ўқишни давом эттиради.

## Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш

# ҚОИДАЛАРИ

Қайта ташкил этиш комиссияси юқорида кўрсатилган органларга тўловни бундан кейин амалга ошириш учун жабрланувчининг зарур бўлган барча ҳужжатларини беради.

44. Меҳнат жароҳати учун жавобгар бўлган юридик шахс тугатилган тақдирда тугатиш комиссияси зарарни тўлаш суммасини бундан кейин тўлаш учун зарур суммани тугатилаётган юридик шахс рўйхатдан ўтказилган жой бўйича бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг маблағлари жамланадиган ижтимоий таъминот бўлимларининг махсус мақсадли бюджетдан ташқари ҳисоб рақамларига ўтказиши керак.

45. Агар жабрланганга ёки зарарни ундиришга ҳуқуқи бўлган шахсларга зарар суммасини тўлаш муайян даврга белгиланган бўлса, у ҳолда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига ўтказиш учун мазкур суммани ҳисоблаб чиқиш юридик шахс тугатилган кунда мазкур Қоидаларда белгиланган миқдорда, бироқ камида беш йил учун амалга оширилади.

46. Агар юридик шахс тугатилган кунда жабрланувчиларга ёки бунга ҳуқуқи бўлган шахсларга зарар суммасини тўлаш муддатсиз белгиланган бўлса, у ҳолда бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига тўлаш учун мазкур суммани ҳисоблаб чиқиш Ўзбекистон Республикасида ўртача умр кўриш ёши ҳисобга олинган ҳолда юридик шахс тугатилган кунда мазкур Қоидаларда белгиланган миқдорда, бироқ камида 5 йил учун амалга оширилади.

(Боши ўтган сонларда)

Ҳисоб-китоб қилиш учун қабул қилинган Ўзбекистон Республикасида ўртача умр кўриш ёши Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг манфаатдор органлари ва ташкилотлари эътиборига етказилади.

47. Зарарни тўлаш учун суммаларни ўтказиш тугатилаётган юридик шахснинг маблағлари ёки мол-мулки мавжуд бўлмаганлиги ёки етарли эмаслиги сабабли мумкин бўлмаган ҳолларда ва зарарни тўлаш учун суммаларни ўтказиш тугатилаётган қишлоқ хўжалиги кооперативи (ширкат хўжалиги), фермер хўжалиги, деҳқон хўжалигида маблағ йўқлиги ёки етарли эмаслиги туфайли мумкин бўлмаган ҳолларда, бу тугатиш комиссияси томонидан белгиланган тартибда тасдиқланган тақдирда, шунингдек агар юридик шахс тугатилгандан кейин жабрланганларда ёки зарар тўланиши ҳуқуқига эга бўлган шахсларда, мазкур Қоидаларга мувофиқ, уларни олиш учун қўшимча ёки янги ҳуқуқлар пайдо бўлганда зарарни тўлаш суммаси ижтимоий таъминот бўлимлари томонидан бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси маблағларидан тўланади.

Тугатиш комиссияси бундан кейин тўловни амалга ошириш учун жабрланганларнинг зарур бўлган барча ҳужжатларини юқорида кўрсатилган органларга беради.

48. Ижтимоий таъминот бўлимлари зарар тўланиши ҳуқуқига эга бўлган шахсларнинг яшаш жойлари бўйича зарар суммаси тўловини мазкур Қоидаларга мувофиқ ҳисоблаб чиқилган миқдорда амалга оширадилар.

49. Юридик шахс қайта ташкил этилган ёки тугатилган тақдирда зарар суммасини тўлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан белгиланади.

VII. Зарарни қоплаш суммасини тўлаш тартиби ва муддатлари

50. Зарарни қоплаш тўловлари:

а) жабрланувчиларга - уларга меҳнат жароҳати оқибатида касб бўйича меҳнатга лаёқатини тўлиқ ёки қисман йўқотган кундан бошлаб;

б) боқувчининг вафоти туфайли зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлган шахсларга - боқувчининг вафот этган кунидан, аммо фақат зарар тўловини олиш ҳуқуқига эга бўлинган вақтдан бошлаб тўланади.

51. Зарарни ундириш тўғрисида ариза жабрланувчининг меҳнат жароҳати туфайли касб бўйича меҳнатга лаёқати йўқотилгандан ёки боқувчининг вафотидан 3 йилдан кейин берилган тақдирда зарарни тўлаш бу ҳақда мурожаат қилинган кундан бошлаб амалга оширилади.

Ариза берилган кун зарарни тўлаш тўғрисида мурожаат қилинган кун ҳисобланади.

52. Зарар тўловларини олиш муддатини узайтириш зарур ҳужжатлар тақдим этилиши бўйича аввалги тўловлар муддати тугаган кундан бошлаб амалга оширилади.

53. Ўртача ойлик иш ҳақи (даромад) бўйича зарарни тўлаш меҳнат жароҳати туфайли жабрланувчи касб бўйича меҳнат лаёқатини йўқотганлик белгиланган муддат учун, қўшимча харажатларни тўлаш эса уларга муҳтожлик белгиланган муддат давомида амалга оширилади.

54. Иш берувчи жабрланувчини ёки манфаатдор шахсларни зарарни тўлаш миқдори қайта ҳисобланишига сабаб бўлган маълумотлар билан тилхат бўйича таништириш шарт, жабрланувчи ёки манфаатдор шахслар эса ўз навбатида зарар тўлови миқдори қайта ҳисобланишига сабаб бўлган ўзгаришлар тўғрисида ёзма равишда маълум қилишлари шарт (энг кам ойлик иш ҳақи миқдори ошган ҳоллар бундан мустасно).

55. Жорий ой учун зарар тўловлари ушбу ой тугашидан кечикмай тўланади.

Бир йўла тўланадиган нафақа зарарни ундириш ҳуқуқи олинган кундан бошлаб бир ой мобайнида тўланади.

Зарар тўловлари суммасини олувчига етказиб бериш ва жўнатиш харажатлари етказилган зарар учун жавобгар бўлган иш берувчи ҳисобидан амалга оширилади.

Ушбу суммалар, олувчиларнинг хоҳишига кўра, уларнинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказилиши мумкин.

56. Зарарнинг белгиланган тўловлари қуйидаги муддатлардан бошлаб қайта ҳисоблаб чиқилади:

зарарни қоплаш миқдорини ошириш ҳуқуқи вужудга келганда - тегишли ҳолатлар юзага келган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб;

қоплаш миқдорининг камайтирилишига сабаб бўлувчи ҳолатлар юзага келганда - тегишли ҳолатлар юзага келган ойдан кейинги ойнинг биринчи кундан бошлаб.

57. Зарарни ундирувчи шахс қариялар ёки ногиронлар уйига жойлаштирилган тақдирда, унга зарарни қоплаш миқдори билан у ердаги парвариш қилиш қиймати ўртасидаги фарқ тўланади, аммо бу тайинланган зарар қопланиши суммасининг 25 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

(Давоми бор)

## Ҳамал

*Уйғонмоқда кўнгил даласи,*
*Қулоқчўзма бўлди умидлар.*
*Ял-ял ёнди баҳор жилоси,*
*Бир сулувлар жонингдан ўтар.*

*Ҳавода бир ялт этди кетмон,*
*Чақнаб кетди даланинг кўзи!*
*Бу тинч турмас миришкор деҳқон!*
*Синчков боқсам у менинг ўзим!*

*Етиб келмиш ғанимат дамлар,*
*Завқу шавқлар бўлмоқда амал.*
*Биз кўнгилга ишончни ғамлаб,*
*Сенга пешвоз чиқамиз, Ҳамал!...*

**Холиқназар ХОЛНИЁЗ**

## ФАСЛЛАР НАҚШИ

Наврўз - баҳор боши,
Баҳор - фасллар нақши.
Баҳор эзгулик рамзи,
Гул - гўзаллик.
Гул ўсса - ер кўрки,
Қиз ўсса - эл кўрки.
Бинафша ўзи жажжи-ю,
Таровати бир жаҳон.
Нон исига тўймоқ йўқ,
Гул ҳидидан - безмоқ.
Гул ўз ерида чиройли,
Одам ўз элида.
Гул орқасидан тикон ҳам сув ичар,
Гулни тикон асрайди,
Кўзни киприк.
Баҳор - оламни гулга буркайди,
Одамни - қуту нурга.
Қир кўрки лола,
Оила кўрки - бола.
Баҳорда кўкарар тумонат гиёҳ,
Толиққан танага қуввату даво.
Ҳидини ёқтирган - гулини ҳам авайлар.
Гул офтобга интилади,
Одам - гўзалликка.
Кўклам - долзарб меҳнати билан кўркам.

**А. АЛИЕВ**



## АЖОЙИБ ХОТИРА ЭГАЛАРИ

Тарихий манбаларга қараганда соҳибқирон Искандар Зулқарнайн ўз аскарларидан 30 минг кишининг исмини билар ва изига қараб топар экан.

Араб қизи Баэл билим олишга ҳеч қандай шароит бўлмаган даврда ажойиб хонанда ва созанда, моҳир бастакор бўлиб етишган. У 30 минг куйни мукаммал ижро этган. Италиялик Кардинал Жузеппе Меццофанти 57 тилни билган. Академик Е.Бертельс 20 дан ортиқ тилда гаплашган. Академик А.Иоффе логарифмлар жадвалидан ёдаки фойдаланар экан. Шоҳмот бўйича жаҳон чемпиони А.Алёхин ўзи ўйнаган кўплаб шоҳмот ўйинининг ҳар бирини, инглиз ёзувчиси Ч.Диккенс эса «Дэвид Копперфильд» романини ёд билган.

XVIII асрда яшаган инглиз Бакистон 23145789 ни 5642732 га дилида кўпайтириб бир дамда жавобини чиқарган.

Варшавада яшовчи Элерт исмли математик бичиқчи ҳам бўлган. Унга буюртмачи ўзининг бўйи ва оғирлигини айтса бас, у бу соҳада мукаммал ҳисоб-китоблар қилганки, буюртма бинойидек адо этилган.

Ўзбекларда «Минг бир кеча», «Чор дарвеш», «Баҳор дониш», «Калила ва Димна», «Тоҳир ва Зуҳра», «Алпомиш» деб номланган асарларни ёддан айтиб берувчи бахшилар бўлган.

*Бир ғазал шарҳи*

# «БОРИ ЭЛГА ЯХШИЛИҒ ҚИЛҒИЛКИ...»

***Ким кўрибдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ?***
***Кимки, ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ!***
***Гар замонни нафи қилсам, айб қилма, эй рафиқ,***
***Кўрмадим ҳаргиз, нетайин, бу замондин яхшилиғ!***
***Дилраболардан ёмонлиғ келди маҳзун кўнглума,***
***Келмади жонимга ҳеч ороми жондин яхшилиғ.***
***Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ямонлиқ асру кўп,***
***Эмди кўз тутмоқ не маъни ҳар ямондин яхшилиғ?***
***Бори элга яхшилиғ қилгилки, мундин яхшилиғ йўқ —-***
***Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ!***
***Яхшилиғ аҳли жаҳонда истама Бобур киби,***
***Ким кўрибдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ?!***

Муайян асарнинг мазмун-моҳиятини барча қирралари билан чуқур тушуниш учун унинг ёзилиш тарихи ва сабабини ойдинлаштириш керак. Ўшанда турли тахмин-тасаввурларга берилиш, бирёқлама хулосалар чиқаришга ҳожат қолмайди. «Бобур» видеофилмида Маъмуржон Тўхтасинов томонидан маҳорат билан ижро этилганидан кейин халқимиз орасида шуҳрат топган ушбу ғазалнинг ҳам қандай шароит ва ҳолатда яратилганлигидан хабар топсак, ундаги бу қадар ҳасрат оҳангининг сабабини тушунгандай бўламиз. Чунки бешинчи байтни мустасно қилганда, ғазал бошдан-оёқ бу дунёда яхшилик йўқ экан деган тушкун бир кайфиятда ёзилган. Гап шундаки, Самарқандни биринчи марта олган Бобур, одатга хилоф равишда, қўлдан-қўлга ўтавериб, қамаллар азобини торта-торта абгор бўлган шаҳарни талашга йўл қўймайди. Бундан «ожизу бечора халқ» (Аваз) қанча хурсанд бўлса, мўмай ўлжа илинжида келган бек ва навкарлар шунча норози бўлишади. Алал-оқибат, Бобурни ташлаб, Андижонга қайтиб кетишади ва у ерда фитна кўтариб, ўтай укаси Жаҳонгирни шоҳ қилиб кўтаришади. Буни эшитган Бобур исённи бостириб, онаси ва яқинларини қутқариш ҳамда ота юртини қайта эгаллаш учун Самарқандни ташлаб, Андижонга йўл олади. Бунинг сабабини унинг ўзи «Бобурнома»да шундай изоҳлайди: «Самарқанд Андижон кучи била олилиб эди. Агар Андижон иликта бўлса, яна Тенгри рост келтурса, Самарқандни иликласа бўлар». Лекин унинг бу нияти амалга ошмайди. «Андижонга бўла Самарқандни иликдан бердук. Андижон ҳам иликтин чиқмиш эди. Бизга: «Ғофил аз инжо ронда ва аз онжо монда» («Ғофил бу ердан қувилган ва у ердан ажралган»), - дегандек бўлди, - деб эслайди кейинчалик Бобур бу воқеаларни надомат билан. - Бисёр шоқ (кейин — Э. О.) ва душвор келди. Не учунким, то подшоҳ бўлуб эдим, бу навъ навкардин ва вилояттин айрилмайдур эдим, то ўзумни билиб эдим, бу йўсундуқ ранж ва машаққатни билмайдур эдим». Ўзининг айтишича, икки юздан кўпроқ, уч юздан камроқ кишиси билан қолган Бобур Хўжандга келади. Андижонни қайтариб олиш учун Тошкент хони бўлган тоғасидан ёрдам сўрайди. Лекин бу ишдан ҳам бирор натижа чиқмайди.

Бобур Самарқандни ташлаб, Андижонга кетганида пойтахтни тоғаси Султон Маҳмуднинг ўғли Султонали Мирзо эгаллаб олади. Лекин унинг ҳукмдорлигидан норози бўлган Самарқанд беклари яна Бобурга киши юборадилар. Лекин у Самарқандга келгунча онасининг авраши билан ёш шаҳзода Самарқандни Шайбонийхонга жангсиз топширади. Бобур икки ўртада сарсон бўлиб, Кеш сари йўл олади. «Биз шаҳар ва вилояттин маҳрум, борур-тураримиз номаълум», - дейди унинг ўзи бу ҳақда. Моддий ва ҳарбий мададга муҳтож Бобурни ҳеч ким қўллаб-қувватламайди. Фон деган мавзеда тўхтаб, Фон малики ва Ҳисор беги Хусравшоҳдан умидвор бўлади. Афсуски, саховат ва одамгарчиликда донг чиқарган, Ҳусайн Бойқаро унинг мулкига бир қўниб ўтганда 70-80 та отни унга пешкаш қилган Фон малики ўзи келмай, Бобурга бир ориқ отни юборади, Хусравшоҳ эса хабар ҳам олмайди. Шунда Бобур алам билан ёзади: «Бизга етганда саховат била машҳур бўлғон эл хасис бўлур, мурувват била мазкур бўлган элнинг муруввати унутилар...

Байт:

***Ким кўрубтур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ?***
***Кимки ондин яхши йўқ, кўз тутма ондин яхшилиғ!»***

Худди шу пайтда Бобур ҳасратидан чанг чиқиб: «Эй кўнгул, бу жаҳон аҳлидан ким яхшилик кўриб эдики, сен кўрар эдинг? Табиатида яхшилиги бўлмаган кимсадан сира яхшилик кутма!» - деб ҳайқиради алам-изтироб исканжасида.

Албатта, кейин бу байтни давом эттириб, яхлит ғазалга айлантиради. Лекин унга шоҳ-шоирнинг сарсон-саргардон — қазоқликларда юрган шу даврдаги кўрган-кечирганлари асос қилиб олинган. Табиийки, инсон шахсий бахтсизликлари учун замонни айбдор қилиш, унинг устидан қатъий ҳукм ўқиши тўғри эмас. Буни яхши англаган Бобур умумлаштирувчи хулосадан қочади. «Эй дўст, агарда мен замонни рад этсам, айб қилма, нима қилайки, бу замондан ҳеч бир яхшилик кўрмадим!» - деб аслида айбни ўз устига олади:

***Гар замонни нафи қилсам, айб қилма, эй рафиқ,***
***Кўрмадим ҳаргиз, нетайин, бу замондин яхшилиғ!***

Кейинги байтнинг моҳиятини ойдинлаштириш учун Бобурнинг шахсий ҳаётига мурожаат қилиш керакка ўхшайди. Гап шундаки, амакиси Султон Аҳмад Мирзонинг қизи Ойша Султонбегимга Бобур беш ёшлигидаёқ унаштириб қўйилади. Хўжандда турганида уни никоҳига киритади. Лекин Самарқандни иккинчи марта қўлдан бериб, сарсон-саргардон юрган, «вилоят йўқ, вилоят умидворлиги йўқ, навкар аскар тарқаган» Бобур онаси билан тоғаси - Тошкент ҳокими Маҳмуд Султондан ёрдам сўраб борганида хон-ку хон, ҳатто бувиси Шоҳбегим, холаси Султоннигор хоним ва бошқа аёл қариндошлар ҳам уларга ҳиммат қўлини чўзмайдилар. Бунинг устига, опаси Розия бегим йўлдан урган хотини ундан талоқ сўрайди. Ҳолбуки, Шайбонийхон истилосидан сўнг ўзидан паноҳ сўраб борганларида Бобур уларни қучоқ очиб кутиб олади. Қариндошлар эса унинг бу яхшилигига жавобан кўрнамаклик қиладилар: Шайбонийхонга қарши биргаликда курашиш учун Ҳусайн Бойқаронинг Бобурни Ҳиротга чорлаганидан фойдаланиб, исён кўтарадилар ва жияни - «илик тебратгунча қувват ва журъати ҳам йўқ» Хон Мирзони тахтга ўтказадилар. Бу фитнанинг бошида бувиси Шоҳбегим ва холаси Султоннигор бегим турар эдилар. Бу ҳақда Бобурнинг ўзи «Бобурнома»да шундай ёзади.

«Неча қатла ҳамким, замона ноҳамзорлиғидин (нотекислигидан - Э. О.) ва даврон носозкорлиғидин ва тахт ва мулк ва навкар ва савдардин айрилиб, аларга илтижо этдим, онам ҳам борди, ҳеч навъ риояте ва шавқате кўрмадик. Менинг иним Мирзохоннинг ва онаси Султоннигор хонимнинг айн ва маъмур вилоятлари бор эди, мен ва онам вилоят худ турсун, бир кент ва бир неча қуш эгаси бўла олмадук. Менинг онам Юнусхон қизи ва мен набираси эмасму эдим?!»

Бобурнинг минг бир алам ва истироб билан маҳзун кўнглимга дилраболардан нуқул ёмонлик келди, бирор оромижондан яхшилик келмади, дейиши айнан бувиси Шоҳбегим, холаси Султоннигор бегим, қайнэгачиси Розия бегим, хотини Ойша Султон бегим ва бошқа қариндош аёллардан етган жабру жафолар туфайлидир. Чунки дилрабо деганда, нафақат кўнгилни олган маҳбубалар, балки умуман яқин кишилар ҳам тушунилади. Қолаверса, Ҳиндистонда Бобурни заҳарлаган Иброҳим Лўдийнинг онаси ҳам шу гўзал қавмга мансуб эди. Маълум бўладики, Бобур аёллар туфайли ҳам озмунча жабр чекмаган. Бундан ташқари, асосий мавзуга ишқу муҳаббат ҳисобланган мумтоз шеъриятда ҳар қандай шикоят мотивлари маъшуқа билан боғлаб ифодаланганлигини назарда тутсак, байтнинг мазмун-моҳияти янада ойдинлашади.

***Дилраболардин ёмонлиқ, келди маҳзун кўнглума,***
***Келмади жонимга ҳеч оромижондин яхшилиғ.***

Бошқа бир ғазалида ҳам ўз кўнглига мурожаат қилиб, ҳар қанча ғариблик исканжасида қолсанг-да, элдан вафо умидвор бўлма. чунки диёрдан ҳам, ёрдан ҳам сира вафо кўрганинг йўқ-ку, дейди:

***Ғурбат ичра, эй кўнгул, элдин вафо истарни қўй,***
***Чун вафосин кўрмадинг ҳаргиз диёру ёрнинг.***

«Эй кўнгул, - дейди зор Бобур давом этиб, - яхши кишилардан шунчалик кўп ёмонлик кўрдингки, энди ҳар ёмондан яхшилик кўз тутишда маъни борми?»

***Эй кўнгул, чун яхшидин кўрдунг ямонлиқ асру кўп,***
***Эмди кўз тутмақ не маъни ҳар ямондин яхшилиғ?!***

Лекин Бобур бағрикенг, меҳридарё инсон бўлган: ўзига ёмонлиқ қилганларнинг ҳам гуноҳидан ўтиб, қўлидан келганча уларга яхшилик кўрсатган. «Бобурнома»да бу борадаги кўплаб ёрқин мисолларни учратамиз. Ҳасанхожа Нисорий «Музаккири аҳбоб» китобида ёзишича: «Кимки жаҳоншоҳ даргоҳига илтижо қилган бўлса, подшоҳнинг инъомидан баҳраманд бўлди ва фазл дастурхони неъматидан қуруқ қолмади. Дарё мисол қўли билан саховат оламига эркинлик берди». Ҳиндистонни олиб, ҳинд подшоҳларининг бой хазинасини қўлга киритганидаку, нафақат жангда қатнашганлар, қатнашмаганларни ҳам турли эҳсонлар билан сийлайди: Самарқанд, Хуросон, Қашқар ва Ироқдаги қариндош-уруғларига совға-саломлар йўллайди; Самарқанд ва Хуросондаги машҳур шайхларга, ҳатто Макка ва Мадинага назр-ниёзлар юборади. Ҳар тарафга чопарлар жўнатиб, қариндош-уруғлари, ота-боболарига хизмат қилганлар, умуман, Темур ва Чингизхон авлодидан бўлган барча кишиларни ҳузурига даъват этади. Худо бизга улуғ Ҳиндистон мамлакатини ато қилди, келинглар, то бу давлатни биргаликда бошқарайлик, дейди. Чунки у жаҳонда фақат яхшилик пойдорлигига, одам боласидан фақат яхшилик қолишига ишонган. Шунинг учун ҳам барча элга яхшилик қилки, шундан яхши нарса йўқ, токи дунёда фалон кишидан яхшилик қолди, деб эл эслаб юрсин, деган ақида билан яшаган:

***Бори элга яхшилиғ қилғилки, мундин яхши йўқ -***
***Ким, дегайлар даҳр аро қолди фалондин яхшилиғ!***

Футувват аҳли орасида яхшиликка яхшилик ҳамманинг иши, ёмонликка яхшилик - мард кишининг иши деган машҳур ҳикмат бор. Ҳақиқий жавонмардликни намойиш қилган мард ва танти, саховат ва шижоат соҳиби бўлган Бобур ҳам жавонмард ҳукмдорнинг ҳаётий тимсоли эди. Бинобарин, тақдири ҳар қанча оғир кечгани, замон ва одамлардан кўп жабру жафо кўрганига қарамай, Бобурнинг ёмонликка ёмонлик билан жавоб бериши мумкин эмас эди ва унинг бутун ҳаёти бунинг ёрқин исботидир.

Ҳикмат даражасидаги шундай некбин мисралардан сўнг ғазалнинг яна бадбин кайфиятда якунланиши унинг Бобур ҳаётининг сарсон-саргардонликда кечган оғир даврида тугатилганлигига ишора қилади:

***Яхшилиғ аҳли жаҳонда истама Бобур киби,***
***Ким кўрубдур, эй кўнгул, аҳли жаҳондин яхшилиғ?!***

Ғазал тушкун руҳда ниҳоясига етганига қарамай, бу байтда, бир томондан, яхши одам ёмонлар қуршовида қолса, унга кун йўқ, деган фикр илгари сурилган бўлса, иккинчи томондан, «Бобур киби жаҳон аҳлидин яхшилик истама» дейиш билан бу адолатсизликнинг фақат унинг бошига тушганлиги, бинобарин, дунё фақат ёмонликдан иборат эмаслиги, аксинча, у яхшилик туфайли пойдор эканлигига ишонч уйғотади.

**Эргаш ОЧИЛОВ,**
**филология фанлари номзоди**

*Футбол-тест*

## КУЧИНГИЗНИ СИНАБ КЎРИНГ

**1. Россия миллий терма жамоасининг дарвозабонлар билан ишловчи мураббийи, мозийнинг машҳур футболчиси кимлигини топинг.**

A) Георгий Ярцев
B) Ринат Дасаев
C) Вячеслав Колосков
D) Виктор Чанов

**2. Янги мавсумда Наманганнинг «Навбаҳор» жамоаси бош мураббийлигига таклиф қилинган туркманистонлик мутахассис...**

A) Раҳим Қурбонмамедов
B) Тачмурод Агамуродов
C) Гувончмуҳаммад Овеков
D) Олег Морозов

**3. Пойтахтимиз стадионларида бўлиб ўтган биринчи Тошкент халқаро турнирининг мукофот жамғармаси қанча қилиб белгиланди?**

A) 10 000 АҚШ доллари
B) 100 000 АҚШ доллари
C) 80 000 АҚШ доллари
D) Мукофот жамғармаси йўқ.

**4. «Челси» (Лондон)-га бош мураббийлик қилаётган мутахассис номини топинг.**

A) Роберто Манчини
B) Алекс Фергюссон
C) Рафаэль Бенитес
D) Жозе Мауриньо

**5. «Витесс» жамоаси қайси мамлакат миллий футбол чемпионатида иштирок этади?**

A) Бельгия суперлигасида
B) Голландия чемпионатида
C) Англия премьер-лигасида
D) Тўғри жавоб берилмаган.

**6. Мамлакатимиздаги энг катта стадион қайси ва у ўз бағрига қанча томошабинни сиғдира олади?**

A) «Пахтакор» стадиони, 54 000
B) «Навбаҳор» стадиони, 54 500
C) «Пахтакор» стадиони, 64 000
D) «Пахтакор» стадиони, 55 000

**7. Япониялик тажрибали футболчи Шинжи Оно ҳозир қайси жамоада тўп суради?**

A) «Порту»да
B) «Фейеноорд»да
C) «Левски»да
D) «Селтик»да



***Ҳаваскор боксчилар ўртасида икки карра жаҳон чемпиони Руслан Чагаев профессионал рингда ҳам зафарли одимларини давом эттирмоқда.***

## ЯНА ҒАЛАБА!

Андижонлик чарм қўлқоп устаси профессионал боксдаги ўн еттинчи жангини Германиянинг Риза шаҳрида америкалик Шерман Вильямсга қарши ўтказди. Русланга нисбатан анча тажрибали Ш.Вильямс профессионал боксда 36 маротаба жанг ўтказиб, йигирма беш марта ғалаба қозонган, икки учрашувда дурангга эришган ва тўққиз беллашувда мағлубиятга учраган.

Бироқ саккиз раундлик жанг ўзбекистонлик боксчи устунлигида ўтди. Ҳакамлар бир овоздан Руслан Чагаев ғалаба қозонганини эълон қилди.

Шундай қилиб, айни пайтда Германиянинг Гамбург шаҳрида машғулотларини ўтказаётган Руслан профессионал боксда ўн олтинчи ғалабасини нишонлади. У жанглардан ўн учтасида рақибларини муддатидан олдин енгган, бир беллашувда дуранг натижа қайд этилган. Профессионал боксда энг оғир вазн тоифасидаги енгилмас боксчилардан ҳисобланган Руслан Чагаев жаҳон рейтингида олтмиш биринчи ўринга кўтарилди.



***Ҳар бир касб муайян руҳий қувватга эга бўлишни талаб этади. Эртанги кун бунёдкорлари-ёшлар тарбияси ишониб топширилган, кўпчилик томонидан устоз деб эътироф этилган, зиммасига келажак масъулиятини олиб яшаётган ўқитувчи таълим-тарбия жараёнида ҳал қилувчи ўринни эгаллайди.***

# КОЛЛЕЖ ҚОШИДА

## иқтидорли болалар гуруҳи

«Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури талабларидан келиб чиқиб, 2001 йил 3 сентябрда Ҳазорасп педагогика касб-ҳунар коллежи ишга туширилди. Тарбия масканида талабаларнинг давлат таълим стандартлари асосида илм олишлари, касб-ҳунар эгаллашлари учун ҳамма шароитлар яратилган. Ўқув хоналари ва лабораториялар замонавий жиҳозлар, техник асбоб-ускуналар, компьютер ва лингафон аппаратуралари билан тўлиқ таъминланган.

«Минг отлиқлар юрти» деб таърифланган Ҳазораспнинг олисдан кўзга ташланадиган баҳаво ҳудудида жойлашган коллежнинг йўлакларидан тортиб, фан кабинетларигача саранжом-саришталигини кўриб баҳри-дилингиз очилади. Теварак-атрофга таралаётган гуллар ифори кайфиятингизни кўтаради.

Воҳада катта иқтисодий ва ижтимоий салоҳиятга эга туманнинг гуллаб-яшнаши, келажаги бугунги ёшларнинг иқтидори, билим ва малакасини ошириш, касб-ҳунар эгаллаши билан боғлиқ. 63 нафар педагог ишлаётган йирик жамоада самарали меҳнати билан эл-юрт ҳурматини қозонган тажрибали мураббийлар борки, улар қўлида таҳсил олган юзлаб йигит-қизлар ишлаб чиқаришда ўз ўрнини топиб кетишган. Ўқувчиларга назарий билим бериш билан бирга амалий кўникмаларни ҳосил қилишга эътибор оширилган. Туман марказидаги «Шодлик» болалар боғчаси таъмирланиб, иқтидорли болалар гуруҳи очилди. Айни пайтда иккита мактабгача тарбия гуруҳида 40 дан иборат ўғил-қиз тарбияланмоқда. Зулфия Жабборова ва Зулфия Шейхова машғулот олиб бораётган боғча-мактаб мажмуаси хизматидан ота-оналар мамнун. Муяссар Матназарова, Дилфуза Машарипова ва Адолатхон Абдуллаева раҳбарлик қилаётган мактабгача тарбия курсининг талабалари олган назарий билимларини амалда синаб кўришади, тарбиявий ишларни олиб боришни ўрганишади.

Аҳил ва иноқ жамоанинг саъй-ҳаракати билан туман марказидан 156 километр олисда жойлашган Тупроққалъа массивида касб-ҳунар коллежининг янги бўлими очилди. Унда меҳнат, хўжалик, ҳуқуқ ва жисмоний тарбия йўналиши бўйича чўлда ишлаётганларнинг 200 нафар фарзандлари таълим-тарбия олишяпти.

Иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш мақсадида турли йўналишлардаги фан тўгараклари ташкил этилган. Самарали меҳнат эвазига коллеж талабаси Мўътабаржон Рўзметова 2003 йилда Зулфия номидаги Давлат мукофотига сазовор бўлди.

Педагог Отахон Жумабоев, Мансурбек Рўзметов «Энг иқтидорли мутахассис» кўрик-танловининг республика, кимё фани муаллимаси Насиба Собирова «Йилнинг энг яхши касбий таълим ўқитувчиси» йўналиши бўйича вилоят босқичида совринли ўринни қўлга киритишди. Тасвирий санъат фани ўқитувчиси Йўлдошбой Салаев Тошкентда ўтказилган кўргазмада ўзининг миниатюра суратлари билан қатнашиб, қимматбаҳо совға билан мукофотланди. Ўзбек тили ва адабиёти фани жонкуяри Дурпошша Худойназарова, Гулсара Раҳимова, мусиқа ва спорт ишларини юқори савияда ташкил этишда Азимбой Эрназаров, Равшанбек Машарипов, Ботир Жуманиёзовларнинг ҳиссаси катта бўлаяпти.

Илмий, ижодий изланишлар давом этмоқда. Коллеж ўқитувчиси. ҳуқуқшунослик фанлари номзоди, доцент Қаландар Умаровнинг «Иқтисодиётнинг ҳуқуқий асослари» ўқув қўлланмаси чоп этилди. Ундан ортиқ муаллимларнинг иш тажрибалари оммалаштирилди.

Ўтган йили «Ўрта махсус касб-таълими аълочиси», 32 йиллик педагогик тажрибасига эга бўлган илм маскани раҳбари Дилором Юсупованинг «Коллежим – фахрим менинг», «Муаллимлик саодати» ва «Аёл бахти» китоблари нашрдан чиқди.

*Тажриба*

Ўқитувчи таълим бериш жараёнида, албатта ўз ўқувчиларига ҳар томонлама тарбиявий таъсирни сингдириб боради, – деб ёзади Дилором опа асарларидан бирида.

– Ота-она фарзандни дунёга келтирса, устози боланинг кўз ўнгида янги-янги дунё очади. Бугунги кун ўқитувчиси Миллий истиқлол ғоясининг фаол тарғиботчиси бўлиш билан бирга, ўзи ҳам шу ғоя таъсирида шаклланган шахс ҳисобланади.

... Касб-ҳунар коллежининг атрофи дарахтзорлар билан ўралган. Мингга яқин ўғил-қиз таълим олаётган илму ҳунар соҳиблари тайёрлаш масканини мевазор боғга қиёсласак, илдизи мустаҳкам ниҳоллар ундираётган муаллим ва муаллималарни шу чаманнинг тажрибали боғбонларига ўхшатгинг келади.

**Иззат ҲИКМАТОВ,**
**«Ишонч» мухбири**

*Хабарлар оқимидан*

## ГАСТРОЛЛАРГА ТАРАДДУД

Опера асарларининг ажойиб ижрочилари томонидан бериладиган концертлар ўзига хос мусиқа санъати байрамига айланиб кетади. Москвада ўтказилган бундай томошада Ўзбекистон халқ артисти Муяссар Раззоқова ҳам ўз ижрочилик маҳоратини намоён этди. Ўзбекистон Давлат академик Катта опера ва балет театрининг етакчи солисти сифатида қатнашган М. Раззоқова бу дастурда машҳур опера артисти Елена Образцова билан биргаликда дуэтлар куйлади.

Ана шу севимли санъаткорларнинг Францияда қиладиган ижодий сафарлари ҳам ўзбек хонандаси учун яна бир жиддий ижодий синов бўлади.

Хушовоз санъаткор М. Раззоқова Санкт-Петербургда уюштириладиган яккахон концертга ҳам қизғин тайёргарлик кўрмоқда. Шу билан бирга мазкур шаҳарда ташкил этиладиган опера хонандаларининг навбатдаги халқаро танлови ҳайъат таркибига М. Раззоқова ҳам киритилди.

## ЁШ ОЛИМЛАР АНЖУМАНИ

Атоқли кимёгар олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги марҳум Собир Юнусов хотирасига бағишлаб республика илмий Конференциясини ўтказиш анъанага айланиб қолди. Бундай анжуманлар машҳур олим номи билан аталаётган Ўзбекистон Фанлар академиясининг ўсимлик моддалари кимёси институти ташаббуси билан амалга ошириб келинмоқда.

Собир Юнусов таваллуд топган сана муносабати билан ташкил этилган бу сафарги илмий тадбирда кимё фани бўйича самарали изланишлар олиб бораётган истеъдодли ёш олимлар ўз маърузалари билан қатнашдилар. Ўсимлик моддалари кимёси, ноорганик кимё, полимерлар кимёси ва физикаси каби институтлар ёш тадқиқотчиларининг чиқишлари яхши баҳоланди.

Бу қизиқарли маърузалар алоҳида тўплам қилиб босмага тайёрланадиган нашрда ўз ифодасини топади.

ISHONCH
МУАССИС:
Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс
ҚАЮМОВ

Таҳрир ҳайъати:
Эркин Воҳидов, Сайёра Рашидова, Жория Алимхўжаева, Маъмура Одилова, Маҳмуджон Расулов, Элёр Ёқубов, Зайниддин Риҳсиев (бош муҳаррир биринчи ўринбосари), Виктор Зверев (бош муҳаррир ўринбосари «Ишонч-Доверие»), Мирзоҳид Содиқов, Шамсиддин Эсонбоев, Қудратилла Рафиқов, Мирфозил Олимов.

E-mail: ishonch@dostlink.net; ishonch1@dostlink.net

ТЕЛЕФОНЛАР:
Котибият 56-52-78;
Хатлар бўлими 56-85-43;

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди - 22.00

*Манзилимиз: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Нашр кўрсаткичи:* 133; 134
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 035-рақам билан рўйхатга олинган.
IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Сотувда эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41—уй.